

3-Амалий машғулот.

Мавзу: Кузатиш китобчаси КН-01 ни ўрганиш.

Бутунжаҳон Метеорологик Ташкилотининг (БЖМТ) регламентига кўра Ер юзида кузатишлар 8 муддатда олиб борадиган метеорологик тармоқ, Ер юзидан 30 км ва ундан юқори баландликкача бўлган қатламдаги атмосферанинг ҳолатини билиш учун ҳеч бўлмагандан суткасига 2 та муддатли кузатишлар олиб бориладиган аэрологик станциялар тармоғи (харорат, шамолни зондлаш) бўлиши керак.

Ҳозирги вақтда дунёда ҳар 3 соатда Ер юзида кузатиш олиб борадиган 10000 га яқин метеорологик станциялар ҳамда 800 дан кўпроқ аэрологик зондлаш станциялари мавжуд. Бундан ташқари Ер юзида 350 та автоматлаштирилган ёки қисман автоматлаштирилган метеорологик станцияларда кузатишлар олиб борилаяпти, шунингдек, Ернинг метеорологик сунъий йўлдошлари ёрдамида ҳар куни ўртача 8 марта катта ҳудуд бўйича булатларнинг фотосурати, бошқа муҳим маълумотлар олинмоқда.

Об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар радио ва телеграф орқали сўз билан эмас, балки сонли белги - код билан прогностик марказларга узатилади. Метеорологик кодни билган ҳар бир киши телеграмманинг қайси мамлакатдан келганига қарамай, унда нималар ёзилганлигини билиши мумкин. Метеорологик станциялардан код билан берилган об-ҳаво ҳақидаги ҳар бир ахборот бешта сондан иборат бўлган, бир неча сонлар гуруҳи билан ифодаланади. Натижада сўз билан ёзилганда 20 сатрни эгалайдиган об-ҳаво маълумоти бир сатрга жойлашади.

Дунёнинг барча метеорологик станцияларида бир хил дастур асосида, бир вақтда кузатилган об-ҳаво маълумотлари телерадиоалоқа ёрдамида бутун Ер шари бўйлаб тарқатилади.

Бу маълумотларни ЖММ ва РММ (ёки МММ) лари қабул қилиб, уларни қайта ишлайди.

Ушбу келтирилган жадвалдаги маълумотлар кейинги жадваллардан аниқлаб олинади.

Кўйида КН-01 код тизими ва унинг тавсифи келтирилган.

0 БҮЛИМ	$M_i M_i M_j M_j$	$YYGGi_w$	H_{iii}	
1 БҮЛИМ	$i_R i_x h VV$	$N dd ff$	$1s_n T T T$	$2s_n T_d T_d T_d$
	$\underline{\underline{3P_o P_o P_o P_o}}$	$\left\{ \begin{array}{c} 4PPP \\ \text{ёки} \end{array} \right\}$	$5app$	$\underline{\underline{6RRRt_R}}$
	$7wwW_1W_2$	$8N_h C_L C_M C_H$		
3 БҮЛИМ	333	$1s_n T_x T_x T_x$	$2s_n T_n T_n T_n$	$4E'///$
	$\underline{\underline{55SSS}}$	$8N_s Ch_s h_s$	$9S_p S_p S_p S_p$	
5 БҮЛИМ	555	$1Es_n T'_g T'_g$	$2s_n T_n T_n T_n$	$3Es_n T_g T_g$
	$\underline{\underline{4E'sss}}$	$52s_n T_2 T_2$	$\underline{\underline{6RRRt_R}}$	$\underline{\underline{7R_{24} R_{24} R_{24}}}$
	$\underline{\underline{88R_{24} R_{24} R_{24}}}$			

Вазифани бажариш тартиби:

1. Қүйдаги жадваллар асосида ҳар бир бўлимлардаги гурухлар аниқлаб олинади, сўнг улардаги маълумотлар ёзилади.
2. Барча кўрсатилган жадваллар асосида маълумотлар ёдланади ва белгилар ҳам ёдланади.
3. Берилган ҳар бир жадвалдаги кодларнинг номлари алоҳида дафтарга ёзилади.
4. Бу маълумотларнинг барчаси кейинги амалий машғулотда ҳам фойдаланилади.

3.1. Код гуруҳларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар

0 БЎЛИМ

Бу гуруҳдаги маълумотлар асосан информацион характерга эга бўлиб, об-ҳаво кузатувлари ҳақидаги ахборотларни қуруқликданми ёки дengиздан, қачон кузатилганлиги ва қайси станциядан келганлиги, шамолнинг тезлиги қайси ўлчов бирлиқда (узел ёки м/с) эканлигини билдиради.

3.1-жадвал

Гурух	Гурух мазмуни	Гурухдан фойдаланиш (узатиш) қоидалари
$M_i M_i M_j M_j$	Ушбу гуруҳда маълумотлар қуруқликда жойлашган станциялардан юборилганлигини кўрсатади, $M_i M_i M_j M_j = AAXX$	Станцияда бу гурухдан фойдаланилмайди. Алоқа Марказлари SYNOP маълумотлари тўпландиган бюллетенда киритади (биринчи гурух бюллетен матнининг биринчи қаторида ёзилади)
$YYGGi_w$	Кузатиш санаси ва муддати:	Станция Ўзгидромет кўрсат-

	<p>YY – ЎГВ бўйича ой санаси</p> <p>GG – ЎГВ бўйича кузатув муддати, соатларда</p> <p>i_w – шамол тезлигини ўлчов бирлиги ва уни аниқлаш усулини кўрсатади (3.5 - жадвал)</p>	маси бўйича фойдаланади. Алоқа Марказлари SYNOP маълумотлари тўпланадиган бюллетенда киритади (иккинчи гурух бюллетен матнининг биринчи қаторида ёзилади)
Iiiii	<p>Станция индекси:</p> <p>II – район (худуд) номери</p> <p>iii – райондаги станция номери</p>	Станциядан юборилиш учун шарт бўлган гурух саналади. Индекс (Iiiii) БЖМТ томонидан белгиланади

1 БЎЛИМ

Бу бўлимдаги маълумотлар глобал¹ айирбошлиш учун мўлжалланган. Атмосферанинг Ер сиртига яқин қатламидаги (2 метр баландликда) ҳолати ҳақидаги метеорологик маълумотлар кодланади: ҳаво ҳарорати, намлиги ва босими, шамол тезлиги ва йўналиши, булутлар шакли, миқдори ва баландлиги, узоқлик кўринувчанлиги, кузатув муддатидаги об-ҳаво ва кузатув муддатидан аввалги об-ҳаво, шунингдек телеграммага **6RRRt_R** ва **7wwW₁W₂** гурухларни киритилганлигини кўрсатади.

3.2-жадвал

Гурух	Гурух мазмуни	Гурухдан фойдаланиш (узатиш)
-------	---------------	------------------------------

¹ Глобал айирбошлиш – Ер шари миқёсида регионлар ўртасидаги ахборотлар алмашинуви.

			қоидалари
i_Ri_xhVV	i_R	– Телеграммада 6RRRt_R гурухи қайси бўлимга киритилган-лигини, агар киритилмаган бўлса сабаби кўрсатилади (3.6 - жадвал)	Станциядан юбори-лиш учун шарт бўлган гурух сана-лади. Агар h ва VV ҳақидаги маълу-мотлар бўлмаса, у ҳолда телеграммага гурух i_Ri_x/// кўринишда киритилади.
	i_x	– Телеграммада станция турини ва 7wwW₁W₂ гурухи киритилган-лигини, агар киритилмаган бўлса сабаби кўрсатилади (3.7 - жадвал)	i_R ва i_x мос ҳолатда кодланади
	h	– Энг паст булутнинг (C_L ёки C_M) қуи чегара баландлиги (3.8 - жадвал)	
	VV	– Метеорологик узоқлик кўринувчанлиги (3.9 - жадвал)	
Nddff	N	– Барча ярусдаги булутлар миқдори (3.10 - жадвал)	Станциядан юборилиш учун шарт бўлган гурух саналади. Агар N ,
	dd	– Кузатув муддатидаги шамол йўналиши (3.11 - жадвал)	dd ва ff ҳақидаги маълумотлар бўлма-са, у ҳолда теле-граммага
	ff	– Кузатув муддатида шамолни ўртacha тезлиги (м/с). 00, 01, 02 ... ва ҳоказо. Анеморумбометр билан ўлчанса 10 мин, флюгер билан аниқлансанса 2 мин ичида олинган ўртacha қиймат	гурух //// кўринишда киритилади. Агар N = 9 бўлса, у ҳолда 9//// кўринишда киритилади
1s_nT T T	1	– Гурухни ажратувчи ракам	Барча кузатув

	s_n	– Ҳаво ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$)	муддатлари учун юборилади. Агар гурухлар 1//// ва 2//// кўринишида бўлса, у ҳолда маълумотлар юборилмайди, шунга ўхшаш ажратувчи рақами бор бошқа гурухлар ҳам юборилмайди.
	TTT	– Ҳаво ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқлиқдаги қиймати	
2s_nT_dT_dT_d	2	– Гурухни ажратувчи рақам	
	s_n	– Шудринг нўқта ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$)	
	T_dT_dT_d	– Шудринг нўқта ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқлиқдаги қиймати	
3P_oP_oP_oP_o	3	– Гурухни ажратувчи рақам	Қўшимча берилади:
	P_oP_oP_oP_o	– Ҳаво босимининг (гПа) станция сатҳидаги ўндан бир аниқлиқдаги қиймати (1000 гПа дан юқори бўлса, телеграммада биринчи рақам ёзилмайди)	– 4PPPP гурухга асосий тармоқдаги станциялар учун соат 00 ва 12 (ЎГВ) – 4a₃hh гурухга баландлиги 1000 м дан юқорида жойлашган станцияларда барча кузатув муддатлари учун

4PPP ёки 4a₃hh	4	<ul style="list-style-type: none"> - Гурухни ажратувчи рақам 	4PPP гурухни баландлиги 1000 м ва ундан пастроқда жойлашган стан- циялар юборади. 4a₃hh гурухни баландлиги 1000 м дан юқорида жойлашган стан- циялар юборади.
	PPP р	<ul style="list-style-type: none"> - Ҳаво босимининг (гПа) ўртача денгиз сатҳига келтирилган, ўндан бир аниқликдаги қиймати (1000 гПа дан юқори бўлса, телеграммада биринчи рақам ёзилмайди) 	
	a₃	<ul style="list-style-type: none"> - Стандарт изобарик сиртларни (850, 700 ёки 500 гПа) кўрсатади, баландлиги 4a₃hh гурухда берилади (3.12 - жадвал) 	
5app р	hh	<ul style="list-style-type: none"> - Мос стандарт изобарик сиртларни баландлиги, геопотенциал метринг бирлик аниқликдаги қиймати (телеграммада биринчи рақам ёзилмайди) 	Барча кузатув муддатлари учун юборилади. Агар 5//// кўринишда бўлса, шунга ўхшаш ажратувчи рақами бор бошқа гурухлар каби юборилмайди.
	5	<ul style="list-style-type: none"> - Гурухни ажратувчи рақам 	
	a	<ul style="list-style-type: none"> - Барик тенденцияни сўнгги 3 соатдаги хусусияти (3.13 - жадвал) 	
6RRRt_R	ppp	<ul style="list-style-type: none"> - Барик тенденцияни сўнгги 3 соатдаги ўндан бир аниқликдаги қиймати (гПа) 	3.14 - жадвалда кўр-сатилган муддатлар учун юборилади. Агар t_R
	6	<ul style="list-style-type: none"> - Гурухни ажратувчи рақам 	
	RRR	<ul style="list-style-type: none"> - t_R даврда ёғиб ўтган ёғин микдори (3.14 - жадвал) 	

t_R	<ul style="list-style-type: none"> – ёгин миқдори ўлчанган давр (3.15 - жадвал) 	<p>давр ичида ёгин кузатилмаса, у холда <u>6RRRt_R</u> гурух берилмайди.</p> <p><u>6RRRt_R</u> гурухнинг ушбу ахборотга киритилган ёки киритилмаганлиги <i>i_Ri_xhVV</i> гурухнинг <i>i_R</i> ўрнида кўрсатилади</p>
$7wwW_1W_2$	<ul style="list-style-type: none"> 7 – Гуруҳни ажратувчи рақам ww – Кузатув муддатидаги ёки кузатувдан олдин 1 соат вақт ичидаги об-ҳаво (3.7 - жадвал) W_1W_2 – Ўтган обҳаво (4.2 - жадвал) 	<p>Агар $ww = 00, 01, 02, 03$ ва айни пайтда $W_1/W_2 = 0, 1, 2$ бўлса, у холда $7wwW_1W_2$ гурух берилмайди.</p> <p>$7wwW_1W_2$ гурухнинг ушбу ахборотга киритилган ёки кири-тилмаганлиги <i>i_Ri_xhVV</i> гурухнинг <i>i_x</i> ўрнида кўрсатилади. Ушбу $7wwW_1W_2$ гурух 3 бўлимдаги $9S_pS_pS_p$ гурух билан қўшимча тўлдирилиши мумкин</p>
$8N_hC_LC_MC_N$	<ul style="list-style-type: none"> 8 – Гуруҳни ажратувчи рақам N_h – C_L турдаги булут миқдори, агар C_L турдаги булут кузатилмаса, у холда C_M турдаги булут миқдори кўрсатилади (3.10 - жадвал) 	<p>Агар $Nddff$ гуруҳида $N = 0, 9, /$ бўлса, у холда $8N_hC_LC_MC_N$ гурух берилмайди</p>

C_L	– Вертикал ривожланган булутлар ва пастки ярус булутлари (қатламли ёмғирли булутлардан ташқари) (4.4 - жадвал)	
C_M	– Ўрта ярус булутлари ва қатламли ёмғирли булутлар (4.4 - жадвал)	
C_H	– Юқори ярус булутлари (4.4 - жадвал)	

3 БЎЛИМ

Бу бўлимдаги маълумотлар регионал² айирбошлаш учун мўлжалланган. Бир сутка давомида ҳавонинг экстремал температураси, яrim сутка давомида ёгин миқдори, инструментал ўлчангандек булутлар баландлиги, унинг миқдори ва шакли кодланади.

Агар метеорологик станция районида бир неча қатлам булутлари кузатилса, у ҳолда ҳар бир қатламдаги булутларнинг баландлиги, унинг миқдори ва шакли, шунингдек об-ҳаво ҳодисаларининг хусусиятлари кодланади.

3.3-
жадвал

Гурух	Гурух мазмуни	Гуруҳдан фойдаланиш (узатиш) қоидалари
333	3 бўлимни ажратувчи гурух	Агар 3 бўлимнинг бирорта гурухи мавжуд бўлса ахборот берилиши лозим

² Регионал айирбошлаш – регион миқёсида давлатлар ўртасидаги ахборотлар алмашинуви.

$1s_n T_x T_x T_x$	1	<ul style="list-style-type: none"> – Гурухни ажратувчи рақам – Ҳаво ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$) <p>$T_x T_x T_x$</p> <ul style="list-style-type: none"> – Кундузги максимал ҳаво ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқлиқдаги қиймати 	З-жадвалда кўрсатилган муддатлар учун юборилади
$2s_n T_n T_n T_n$	2	<ul style="list-style-type: none"> – Гурухни ажратувчи рақам – Ҳаво ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$) <p>$T_n T_n T_n$</p> <ul style="list-style-type: none"> – Тунги минимал ҳаво ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқлиқдаги қиймати 	З-жадвалда кўрсатилган муддатлар учун юборилади
<u>4E'///</u>	4	<ul style="list-style-type: none"> – Гурухни ажратувчи рақам <p>E'</p> <ul style="list-style-type: none"> – Қор қоплам пайтидаги таглик сирт ҳолати (4.5 - жадвал) <p>///</p> <ul style="list-style-type: none"> – Маълумот берилмайди 	Глобал ва регионал айирбошлиш руйхатига кирувчи станциялардан (агар станциядан кўринадиган ҳудуднинг 1 баллик қисми қор ёки муз билан қопланган бўлса) юборилади
<u>55SSS</u>	55	<ul style="list-style-type: none"> – Гурухни ажратувчи рақам <p>SSS</p> <ul style="list-style-type: none"> – Куёш ёғдусининг бир суткада давомийлигининг (соатларда) ўндан бир аниқлиқдаги қиймати 	Шундай ўлчовлар олиб борадиган стан-циялардан 1.20 – жадвалда кўрсатилган муддатлар учун

			юборилади
8N_sCh_sh_s	8	<ul style="list-style-type: none"> – Гурухни ажратувчи рақам – Инструментал ўлчанган булут күйи чегарасининг баландлиги (3.10 - жадвал) 	Агар Nddff гурухида N = 0, 9, / бўлса, у холда 8N_sCh_sh_s гурух берилмайди
	h_sh_s	<ul style="list-style-type: none"> – Миқдори (3.10 - жадвал) – Шакли (4.7 - жадвал) 	N_s Баландлиги h_sh_s бўлган қатламдаги булут
9S_pS_pS_pS_p	9	<ul style="list-style-type: none"> – Гурухни ажратувчи рақам – Кузатув муддатида ва муддатлар ўртасидаги об-ҳаво ҳақида қўшимча ахборот 	Бир ахборотда зарурий бўлишига қараб мос равишда ушбу 9S_pS_pS_pS_p гурух бир неча марта киритилади

5 БЎЛИМ

Бу бўлимдаги маълумотлар миллий³ айирбошлиш учун мўлжалланган. Ҳавонинг суткалик ўртacha ҳарорати; вегетация даврида бир сутка давомида тупроқнинг минимал ҳарорати (агар у +5°C даражадан паст бўлса); тупроқ сиртининг ҳолати; қор қопламишининг баландлиги ва ҳолати; бир сутка ва ярим сутка давомидаги ёғин миқдори, шунингдек об-ҳаво ҳодисаларининг хусусиятлари кодланади.

3.4-жадвал

³ Миллий айирбошлиш – Давлат миқёсидаги ахборотлар алмашинуви.

Гурух	Гурух мазмуни	Гурухдан фойдаланиш (узатиш) қоидалари
555	5 бўлимни ажратувчи гурух	Агар 5 бўлимнинг бирорта гурухи мавжуд бўлса ахборот берилиши лозим
1Es_nT'_gT'_g	<p>1 – Гуруҳни ажратувчи рақам</p> <p>E – Кор қоплами бўлмагандан тупроқ сиртининг ҳолати</p> <p>s_n – Таглик сирт ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$)</p> <p>T'_gT'_g – Кузатув муддатларида йил давомида кор қоплами бор ёки йўқлигига қатъий назар таглик сирт ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқликдаги қиймати</p>	Асосий тармоқка киравчи станциялардан соат 00 ва 12 (ЎГВ) учун юборила-ди. Агар станциядан кўринадиган худуднинг 1 баллик қисми кор ёки муз билан қопланган бўлса Е ўрнига / кўйилади ва таглик сирт ҳолати 3 бўлимдаги <u>4E'//</u> , шунингдек 5 бўлим-даги <u>4E'sss</u> гурух-ларда иловада кўрсатилган муддатлар учун юборилади
2s_nT_nT_nT_n	<p>2 – Гуруҳни ажратувчи рақам</p> <p>s_n – Ҳаво ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$)</p>	4.10-жадвалда кўрсатилган муддатлар учун юборилади

	$T_n T_n T_n$	–	Тунги минимал ҳаво ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқликдаги қиймати	
$3E s_n T_g T_g$	3 E s_n	– – –	Гурухни ажратувчи рақам Кор қоплами бўлмагандан тупроқ сиртининг ҳолати Тупроқ сирти ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$)	3-жадвалда кўрсатилган муддатлар учун фақат вегетация даврида юборилади
	$T_g T_g$	–	Тупроқ сиртининг тунги минимал ҳарорати (Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқликдаги қиймати)	
$4E'sss$	4 E' sss	– – –	Гурухни ажратувчи рақам Кор қоплами пайтидаги таглик сирт ҳолати (4.5 - жадвал) Кор қопламини баландлиги (см), бутун сантиметр аниқликда берилади (4.9 - жадвал)	4.10-жадвалда кўрса-тилган муддатлар учун, агар станция-дан кўринадиган худуднинг 1 баллик қисми кор ёки муз билан қопланган бўлса юборилади
$52s_n T_2 T_2$	52 s_n	– –	Гурухни ажратувчи рақам Минимал ҳаво ҳароратининг ишораси (ҳарорат мусбат ва 0°C бўлса, у ҳолда $s_n = 0$; агар ҳарорат манфий бўлса, у ҳолда $s_n = 1$)	4.10-жадвалда кўрсатилган муддатлар учун юборилади

	T₂T₂	– Тупроқ сиртидан 2 см баландлиқдаги минимал ҳаво ҳароратининг Цельсий даражасидаги ўндан бир аниқлиқдаги қиймати	
	<u>6RRRt_R</u>	<p>6 – Гурухни ажратувчи рақам</p> <p>RRR – t_R даврда ёғиб ўтган ёғин миқдори (3.6 - жадвал)</p> <p>t_R – ёғин миқдори ўлчанган давр (3.15 - жадвал)</p>	<p>4.10-жадвалда кўрса-тилган муддатлар учун юборилади. Агар t_R давр ичида ёғин кузатилмаса, у ҳолда <u>6RRRt_R</u> гурух берилмайди.</p> <p><u>6RRRt_R</u> гурухнинг ушбу ахбо-ротга киритилган ёки киритилмаганлиги i_Ri_xhVV гурухнинг i_R ўрнида кўрсатилади</p>
	7R₂₄R₂₄R₂₄/R₂₄R₂₄R₂₄/	<p>7 – Гурухни ажратувчи рақам</p> <p>R₂₄R₂₄R₂₄ – Бир сутка давомида ёғиб ўтган ёғин миқдори (3.14 - жадвал)</p> <p>/ – Маълумот берилмайди</p>	<p>4.10-жадвалда кўрсатилган муддат-лар учун, жумладан 7000/ (ёғин бўлма-ган) кўринишда ҳам юборилади</p>
	88R₂₄R₂₄R₂₄	<p>88 – Гурухни ажратувчи рақам</p> <p>R₂₄R₂₄R₂₄ – Бир сутка давомида 30 мм ва ундан кўпроқ ёғиб ўтган ёғин миқдори (3.14 - жадвал)</p>	R₂₄R₂₄R₂₄≥30 бўлган ҳолларда юборилади

3.2. Код гурухларидан фойдаланишда қўлланиладиган расм ва жадвллар

3.5 - жадвал

i_w – шамол тезлигини ўлчов бирлиги ва уни аниқлаш усули

Шамол тезлигини ўлчов бирлиги	Аниқлаш усули	Код рақами i_w
м/с	Чамалаб баҳолаш	0
	Асбоб ёрдамида	1
узел	Чамалаб баҳолаш	2
	Асбоб ёрдамида	3

3.6 - жадвал

 i_R – телеграммада 6RRRt_R гурухининг мавжудлигини кўрсатади

Телеграммада 6RRRt _R гурухининг мавжудлиги	Код рақами i_R
Киритилган:	
1 ва 3 бўлимда	0
1 бўлимда	1
3 бўлимда	2
Киритилмаган:	
Ёғин ёғмаган ($RRR = 000$)	3
Ёғин микдори ўлчанмаган	4
5 бўлимга киритилган	/

3.7 - жадвал

 i_x – телеграммада 7wwW₁W₂ гурухининг мавжудлигини ва станция турини кўрсатади

Станция тури	7WWW ₁ W ₂ гурухининг мавжудлиги		Код рақами i_x
Ходимлар хизмат киладиган станция	7WWW ₁ W ₂ гурухи киритилган		1
Киритилмаган:	Узатилиши лозим бўлган ходисалар йўқ		2
	Маълумотлар йўқ (кузатув қилинмаган)		3
Автоматик тартибда ишлайдиган станция	7WWW ₁ W ₂ гурухи киритилган		4
Киритилмаган:	Узатилиши лозим бўлган ходисалар йўқ		5
	Маълумотлар йўқ (кузатув қилинмаган)		6

3.8 - жадвал

h – энг паст булутнинг (C_L ёки C_M) қуи чегара баландлиги

Қуи чегара баландлиги, м	Код рақами h
50 дан кичик	0
50 – 100	1
100 – 200	2
200 – 300	3
300 – 600	4
600 – 1000	5
1000 – 1500	6
1500 – 2000	7
2000 – 2500	8

2500 ва ундан юқори ёки C_L ва C_M турдаги булут йўқ	9
Аниқ эмас ёки булут асоси станция сатхидан паст, юқори чегараси эса ундан баланд	/

Эслатма.

1. Агар булутнинг қуий чегараси жадвалда кўрсатилган интервалларнинг четки қийматларидан бирига тенг бўлса (яъни икки код ракамларига мос тушса), у ҳолда **h** катта рақам билан ифодаланади. Масалан, 600 м баландлик **h = 5** билан кодланади.

2. Булут миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, **h** ўрнига баландлиги энг паст бўлган булутлар кўрсатилади.

3. Об-ҳаво картасига **h** баландликка мос бўлган код рақами қўйилади.

3.9 - жадвал

VV – метеорологик узоқлик кўринувчанлиги (МУК)

Метеорологик узоқлик кўринувчанлиги, км		Код рақами	МУК аниқлиги	VV кодлаш усули
Интервал	Қиймати, км	VV		
<0,1	<0,1	00	–	
0,1 – 5,0	0,1	01	0,1 км	VV ўрнига МУК нинг километрдаги қиймати (ундан бир аниқликда) кўрсатилади, лекин ундан бир қисмни ажратиб турувчи вергул қўйилмайди
	0,2	02		
	0,3	03		
		
	4,9	49		
	5,0	50		
	6 – 30	6		
		56	1 км	МУК қийматига (1 км аниқликда), 50 қўшилади. VV ўрнига олинган йифинди

	7 8 ... 29 30	57 58 ... 79 80		күрсатилади
35 – 70	35 40 45 50 55 60 65 70	81 82 83 84 85 86 87 88	5 км	МУК қийматидан (5 км аниқликда), 30 айирилади, натижа 5 га бўлинади, топилган қиймат иккинчи V ўрнига кўрсатилади. Биринчи V ўрнига ҳамиша 8 рақами ёзилади
>70	>70	89		
<0,05	<0,05	90		
	0,05 0,2 0,3 1 2 4 10 20 ≥ 50	91 92 93 94 95 96 97 98 99		90 – 99 код рақамлари метеорологик узоқлик кўринувчанлик қийматини чамалаб баҳолаш (ўлчаш) усулини қўлланилганда фойдаланилади
Кўринувчанлик	//			

3.10 - жадвал

N – барча ярудаги булутлар міндері**N_h – CL ёки CM (агар CL булутлар бўлмаса)турдаги булутлар міндері****N_s – баландлиги (h_sh_s) 8N_sCh_sh_s гурухда кўрсатилган булутлар міндері**

Код рақами	N Булутнинг умумий міндері	N_h, N_s C _L ёки C _M тур-даги булутларнинг міндори (баллда)	Хусусияти
0		0	булутлар йўқ
1		1	1 ёки ундан кам (лекин 0 эмас)
2		2-3	
3		4	
4		5	
5		6	
6		7-8	

7		9	9 ёки ундан кўпроқ (лекин 10 эмас, ёруғлик кўринади)
8		10	ёруғлик кўринмайди
9			Кўринувчанлик, уни ёмонлаштирадиган туман, кор бўрон ёки бошқа метеорологик ҳодисалар сабабли аниқланиши қийин
/			Бошқа сабаблар ($N=9$ учун кўрсатилгандан ташқари) туфайли аниқланиши қийин, ёки кузатув қилинмаган

3.11 – жадвал

dd – кузатув муддатида шамол йўналиши (қайси томондан эсиши)

Анеморумбометрда ўлчангандан козатилган		Флюгер бўйича кузатилган		Анеморумбометрда ўлчангандан козатилган		Флюгер бўйича кузатилган	
Йўналиш (градус)	Код рақами dd	Йўналиш (румб)	Код рақами dd	Йўналиш (градус)	Код рақами dd	Йўналиш (румб)	Код рақами dd
05 – 14	01			195–204	20	ЖЖF	20
15 – 24	02	ШШШ а	02	205–214	21		
25 – 34	03			215–224	22		
35 – 44	04			225–234	23	ЖF	23
45 – 54	05	ШШа	05	235–244	24		
55 – 64	06			245–254	25	FЖF	25
65 – 74	07	ШаШ Ша	07	255–264	26		

75 – 84	08			265–274	27	F	27
85 – 94	09	Ша	09	275–284	28		
95–104	10			285–294	29	FШF	29
105–114	11	ШаЖ Ша	11	295–304	30		
115–124	12			305–314	31		
125–134	13			315–324	32	ШF	32
135–144	14	ЖШа	14	325–334	33		
145–154	15			335–344	34	ШШF	34
155–164	16	ЖЖШ а	16	345–354	35		
165–174	17			355–04	36	Ш	36
175–184	18	Ж	18	Ўзгарув.	99	–	99
185–194	19			Штиль	00	–	00

Эслатма .

ШШШа – шимоли-шимолий-шарқ, ШШа – шимолий-шарқ, Шашша – шарқ-шимолий-шарқ, Ша – шарқ, Шажша – шарқ-жанубий-шарқ, ЖШа – жанубий-шарқ, ЖЖШа – жануб-жанубий-шарқ, Ж – жануб, ЖЖF – жануб-жанубий-ғарб, ЖF – жанубий-ғарб, FЖF – ғарб-жанубий-ғарб, F – ғарб, FШШа – ғарб-шимолий-ғарб, ШF – шимолий-ғарб, ШШF – шимоли-шимолий-ғарб, Ш – шимол.

3.12 – жадвал

a₃ – стандарт изобарик сиртларни күрсатади (баландлиги 4a₃hhh гурухда берилади)

Станция баландлиги, м	Стандарт изобарик сирт	Код раками a ₃
3700 дан юқори	500 гПа	5
3700 дан 2300 гача	700 гПа	7
2300 дан 1000 гача	850 гПа	8

3.13 – жадвал

а – барик тенденциянинг сўнгги 3 соатдаги хусусияти

Босимни барометр бўйича сўнгги 3 соатдаги ўзгариши	Барик тенденцияни барограф бўйича сўнгги 3 соатдаги хусусияти	Барограф бўйича кўриниши	Код раками а
Кўтарилиган	Кўтарилиб, кейин бироз пасайган	/	0
	Кўтарилиб, кейин ўзгармаган	/\	1
	Бир хил кўтарилиган	/	2
	Бироз пасайиб, кейин қўтарилиган	/\ \	3
Ўзгармаган	Ўзгаришсиз қолган	—	4
Пасайган	Пасайиб, кейин бироз қўтарилиган	\ /	5
	Пасайиб, кейин ўзгармаган	\ /\	6
	Бир хил пасайган	\ /	7
	Бироз қўтарилиб, кейин пасайган	/\ \ /	8

3.14 – жадвал

RRR – t_R даврда ёғиб ўтган ёғин миқдори

$R_{24}R_{24}R_{24}$ – бир суткада ичida ёғиб ўтган ёғин миқдори

Ёғин миқдори, мм	Код раками RRR, $R_{24}R_{24}R_{24}$
Ёғин кузатилмаган	000
1	001
2	002
3	0003
...	...

988	988
989 ва ундан кўпроқ	989
0,0 (ёғин изи)	990
0,1	991
0,2	992
0,3	993
...	...
0,8	998
0,9	999

3.15 – жадвал

t_R – ёғин миқдори ўлчанган давр

Давр охири	Давр давомийлиги, соат	Код рақами t_R
Давр $6RRRt_R$ гурух маълумотлари юбориладиган муддатда тугайди	6	1
	12	2
	18	3
	24	4
	1	5
	2	6
	3	7
	9	8
	15	9
Давр $6RRRt_R$ гурух маълумотлари юбориладиган муддатдан 3 соат аввал тугайди	12	0

Мавзуга оид саволлар:

1. 0-бўлимда нималар келтирилган ?
2. 1-бўлимда қайси катталиклар берилган ?
3. Булутлар баландлиги қайси ҳарфда белгиланади ?
4. Метеорологик кўринувчанлик масофаси қайси ҳарфда белгиланади ?
5. i_R - нимани билдиради ?